Journal of New Century Innovations

VOLUME 67
ISSUE-7

Journal of new century innovations

AREAS

- Exact and natural sciences
- Pedagogical sciences
- Social sciences and humanities
- Engineering and Medical Sciences

ISSN (p): 2181-3671
ISSN (e): 2181-368X

Google Scholar doi iD newjournal.org

JOURNAL OF NEW CENTURY INNOVATIONS

VOLUME – 67 | ISSUE - 7

December – 2024

Journal of new century innovations

Yangi asr innovatsiyalari jurnali

MUASSIS:

Qo'qon davlat pedagogika instituti, "Ustozlar uchun" MCHJ

TAHRIRIYAT | EDITORIAL

Tahririyat kengashi raisi:

D.SH.Xodjayeva- filologiya fanlari nomzodi, dotsent

Jamoatchilik kengashi raisi:

D.SH.Xodjayeva- filologiya fanlari nomzodi, dotsent

Bosh muharrir

D.SH.Xodjayeva- filologiya fanlari nomzodi, dotsent

Mas'ul muharrir:

N.S.Jo'rayev - psixologoya fanlari nomzodi, dotsent

Mas'ul muharrir yordamchisi:

O.Y.To'xtasinova- filologiya fanlari nomzodi, dotsent

Nashr uchun mas'ul:

Rasulov Inom Muydinovich - pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyaragentligi tomonidan berilgan 1547 raqamli guvohnoma asosida ro'yhatga olingan

Tahririyat manzili:
Farg'ona viloyati, Qo'qon shahri, Turon ko'chasi, 23-uy

Telefon:
(0373) 542-38-38

E-mail:
info@newjournal.org

Tahrir kengashi:

Saidova Mohinur Jonpolatovna, *Doctor of Pedagogy, Professor, Head of the Department of Primary Education, Bukhara State Pedagogical Institute*
Kasimov Faizullo Mukhamadovich, *candidate of pedagogical sciences*
Adizova Nodira Baxtiyorovna, *Bukhara State Pedagogical Institute, teacher of the Department of Primary Education Methodology (PhD)*
Narzikulova Kumrijon Islamovna, *Associate Professor of Ophthalmology Department of Tashkent Medical Academy*
Zakirkhodjaev Rustam Asrolovich, *Dean of the Faculty of Advanced Training, Tashkent Medical Academy*
Saodat Khamidullaevna Nazirova, *Associate Professor of Ophthalmology Department of Tashkent Medical Academy*
Khabibullaeva Sokhibakhan Saidulla, *Namangan State University History (spirituality, history of Uzbekistan, world history, history of religion)*
Saidova Gavhar Ergashovna, *Bukhara State Pedagogical Institute, teacher of the Department of Primary Education Methodology (PhD)*
Amonov Ulug'murod Sultonovich, *Bukhara State Pedagogical Institute, teacher of the Department of Primary Education Methodology (PhD)*
Jumayev Ruzokul Xoliqulovich, *Bukhara State Pedagogical Institute, teacher of the Department of Primary Education Methodology (PhD)*
Axmadov Olimjon Shodmonovich, *Bukhara State Pedagogical Institute, teacher of the Department of Primary Education Methodology (PhD)*
Xayitov Xamza Axmadovich, *Bukhara State Pedagogical Institute, teacher of the Department of Primary Education Methodology (PhD)*
Safarov Firuz Sulaymonovich, *Bukhara State Pedagogical Institute, teacher of the Department of Primary Education Methodology (PhD)*
Ro'ziyeva Sadoqat Hasanovna, *Bukhara State Pedagogical Institute, Faculty of Pre-School and Primary Education, Associate Professor of "Pre-School Education", (PhD)*
Sh.A.Xayitov *Buxoro davlat universitetining «O'zbek filologiyasi» kafedrasi dotsenti*
Xayitov Axror Axmadovich *Buxoro muhandislik-texnologiya instituti charm buyumlari texnologiyasi va dizayni kafedrasi dotsenti*
Safarova Nigora Ohunjonovna *Buxoro davlat pedagogika instituti Boshlang'ich ta'lim kafedrasi professori*
Hakimova Mehriniso Homitovna *Buxoro davlat pedagogika instituti boshlang'ich ta'lim kafedrasi dotsenti pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)*
Madaliyev Akmaljon Maxammadjonovich, *Doctor of Philosophy (PhD), Kokand state pedagogical institute Teacher of the Department of Physics and Astronomy of Kokan State Pedagogical Institute*
Sultonov Ravshanjon Rustamovich, *Docent of the Department of Physics and Astronomy of the Kokan State Pedagogical Institute*
Xolmuminova Oygul Jumayevna, *Doctor of Philosophy (PhD) in Pedagogical Sciences, Department of Primary Education, Termiz State University*
Adizova Nigora Baxtiyorovna, *Bukhara State Pedagogical Institute, teacher of the Department of Primary Education Methodology (PhD)*
Abdullayeva Feruza Nurulloyevna, *Buxoro davlat pedagogika instituti Boshlang'ich ta'lim kafedrasi dotsenti*
Kadirov Kamoliddin Shuxratovich, *Institute of Energy Problems of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, doctor of technical sciences, head of the laboratory, Uzbekistan*
Odamov Umarbay Omanovich, *Doctor of Philosophy in Technical Sciences, Leading researcher, head of laboratory, Institute of Energy Problems of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan*
Khurramov Bobir Sobir ugli, *Department of "nuclear power plants and thermal energy" of Tashkent State Technical University named after Islam Karimov, senior lecturer, PhD, Uzbekistan*
Kushev Alijon Polatovich, *Doctor of Philosophy in Technical Sciences, Deputy Director of General Affairs (Institute of Energy Problems of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan), Uzbekistan*
Shavazov Abdulatif Achilovich. *Head of the laboratory "Electrical energy systems and complexes" of the Institute of Energy Problems of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Doctor of philosophy of Technical Sciences (PhD). Uzbekistan*
Farrukh Mirazimovich Makhammadiev, *PhD in Technical Sciences, Senior Researcher. Senior Researcher at the Laboratory of the Institute of Energy Problems, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan*
Xudoyberdiyeva Viloyat Jabborovna, *Legal consultant of public education department of Almazor district of Tashkent city, Uzbekistan*
Firuza Maxmudjanovna Sadikova, Doctor of Philosophy (PhD) in Pedagogical Scienses, National Research University "Tashkent Institute of Irrigation and Agricultural Mechanization Engineers", Uzbekistan
Yaqubova Dono Baxodirovna, *Senior lecturer, Department of Theory and Methodology of Physical Culture, Urgench State University*

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ: ТАҲЛИЛЛАР, МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ

катта ўқитувчи ***И.Ё.Эшматов***
Астрахан давлат техника университети Тошкент вилояти филиали
Х.Ш. Чориев
Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси

Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт тушунчасининг мазмуни ва моҳияти, унга оид таҳлилий маълумотлар, илмий ёндашувлар ҳақида сўз юритилади.

Таянч сўз ва иборалар: рақамли иқтисодиёт, ахборот-коммуникацион технологиялар, электрон бизнес, электрон тижорат, рақамли технология, рақамли трансформация, иқтисодиётни рақамлаштириш, рақамли махсулот ва б.қ.лар.

В данной статье говорится о содержании и сущности понятия цифровой экономики, аналитических данных и связанных с ней научных подходах.

Ключевые слова: цифровая экономика, информационно-коммуникационные технологии, электронный бизнес, электронная коммерция, цифровые технологии, цифровая трансформация, цифровизация экономики и т.д.

This article talks about the content and essence of the concept of digital economy, analytical data and scientific approaches related to it.

Key words: digital economy, information and communication technologies (ICT), e-business, e-commerce, digital technologies, digital transformation, digitalization of the economy, digital products and services.

Рақамли иқтисодиёт – бу иқтисодий, ижтимоий ва маданий алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш тизимидир. Баъзида у интернет иқтисодиёти, янги иқтисодиёт ёки веб-иқтисодиёт деган терминлар билан ҳам ифодаланади.

1995 йилда америкалик дастурчи Николас Негропонте “рақамли иқтисодиёт” терминини амалиётга киритди. Ҳозирда бу истилоҳни бутун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, тадбиркорлар – деярли барча қўлламоқда. 2016 йилда Бутунжаҳон банки дунёдаги рақамли иқтисодиётнинг аҳволи ҳақида илк марта маъруза эълон қилди.

Рақамли иқтисодиёт – бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир. **Белгилари:**

- юқори даражада автоматлаштирилганлик;

- электрон ҳужжат алмашинуви;
- бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви;
- маълумотлар электрон базалари;
- CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги;
- корпоратив тармоқлар.

Қулайликлари:

1. Тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлкира ва бошқа ресурслар тежалади).

2. Товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.

3. Рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта.

4. Фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади.

5. Тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ.

Масалан. Рақамли платформаларнинг ривожланиш соҳасидаги ёрқин мисоллардан бири сифатида “Алибаба” электрон савдо тизимига эга бўлган Хитой компаниясини келтириб ўтиш мумкин. Ундан фойдаланиш тажрибаси шуни кўрсатадики, маълумотлар тўплаш жараёнида иқтисодиётнинг турли секторларига экспансия учун ўта рақобатли устунликлар яратилади. “Алибаба” бу – оддийгина рақамли платформа эмас, балки платформалар экотизимидир.

Рақамли иқтисодиёт инсонларнинг турмуш даражасини сезиларли даражада оширади, бу унинг асосий фойдасидир. Рақамли иқтисодиёт коррупция ва “қора иқтисодиёт”нинг асосий кушандасидир. Чунки, рақамлар ҳамма нарсани муҳрлайди, хотирада сақлайди, керак пайтда маълумотларни тез тақдим этади. Бундай шароитда бирон маълумотни яшириш, яширин битимлар тузиш, у ёки бу фаолият ҳақида тўлиқ ахборот бермасликнинг иложи йўқ, компьютер ҳаммасини намоён қилиб қўяди.

Маълумотлар кўплиги ва тизимлилиги ёлғон ва қинғир ишларга йўл бермайди, чунки тизимни алдаш имконсиз. Натижада “ифлос пулларни” ювиш, маблағларни ўғирлаш, самарасиз ва мақсадсиз сарфлаш, ошириб ё яшириб кўрсатиш имкони қолмайди. Бу эса иқтисодиётга легал маблағлар оқимини оширади, солиқлар ўз вақтида ва тўғри тўланади, бюджет тақсимоти очиқ бўлади, ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағлар ўғирланмайди, мактаблар, касалхоналар, йўлларга ажратилган пуллар тўлиқ етиб боради ва ҳоказо.

Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. “Рақамли технологиялар” томон

бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фойдаланувчилар озиқ-овқат маҳсулотларига буюртма бериш учун Телеграм ботларидан фаол фойдаланмоқдалар. Шунингдек, турли интернет дўконлар, электрон тўлов тизимлари ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Демак, фуқароларимиз электрон битимларни амалга оширишга ишоняптилар. Фақат ҳозирги кунгача фойдаланувчилар катта харажатлар талаб қилмайдиган кичик битимларни амалга оширмоқдалар, ўртача харид ҳажмини оширишга эса унчалик тайёр эмаслар.

Эндиги масала ўртача ва йирик иқтисодий битимлар ва молиявий операцияларни рақамли технологиялар орқали амалга оширишни ривожлантиришдан иборат.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг АКТдан тизимли фойдаланишга асосланган жараёнлари тезлик билан жадаллашмокда. Рақамли иқтисодиёт муайян мамлакат учун рақамли экотизим ривожланишининг давоми ҳамда давлат ва аҳолини қамраб олган инновацион иқтисодиётни шакллантириш имкониятига айланмоқда.

Рақамли иқтисодиёт фақатгина янги рақамли технологиялар бўлиб қолмасдан, бизнес юритишнинг анъанавий қоидаларидаги ва иқтисодий қонуниятлардаги жиддий ўзгаришларни ҳам ўз ичига олади. Рақамли технологиялар атамаси билан умумлаштирилган глобал алоқа тармоқлари, шахсий компьютерлар, электрон маҳсулотлар ва хизматларнинг пайдо бўлиши ва кенгайиши иқтисодиётда жойлашув, қиймат, сифат, рақобат, талаб, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ҳаракатлари, маркетинг каби тушунчаларнинг мазмуни ва моҳиятини сезиларли даражада ўзгартиради.

Бугунги кунда рақамли технологиялар замонавий жамият ҳаётининг барча соҳаларига фаол кириб бормоқда. Иқтисодиётни рақамлаштириш глобал иқтисодиётда иқтисодий ўсишнинг омилига айланмоқда. Республикамизда иқтисодиёт тармоқларининг рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида "Рақамли Ўзбекистан — 2030" стратегияси ишлаб чиқилди. Уни амалга ошириш ва кўзланган мақсадларга эришишни таъминлаш таҳлилий ва илмий-услубий ўзгаришларни талаб қилади. Бундай ўзгаришлар эса рақамли иқтисодиётнинг мазмуни ва моҳияти хусусиятлари ҳақида назарий билимларга эга бўлишни тақозо этади.

Айрим олимлар таъкидлашича, рақамли иқтисодиёт концепциясининг шаклланиши америкалик олим Н.Негропонтега тааллуқли. Унинг фикрича, рақамли иқтисодиёт рақамли маҳсулотларнинг физик вазнга эга эмаслиги ва

уларнинг ҳажми ахборот ўлчами билан алмаштирилганлиги каби афзалликларга эга.

Рақамли иқтисодиёт тушунчаси биринчи бўлиб 1994 йилда канадалик олим Дон Тапскоттнинг "Ракамли иктисодиёт: тармоклашган интеллект шароитидаги истиқболлар ва хавфлар" номли китобида келтирилган. У биринчи бўлиб, янги технологиялар ва рақамли бизнес стратегиялари қандай қилиб бизнес жараёнларини ўзгартириш билан биргаликда турли маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш усули бўлишини аниқлади.

Рақамлаштиришнинг энг муҳим натижаларидан бири сифатида муаллиф фирманинг институционал назариясига асосланиб, транзакция ҳаражатларининг, жумладан, маълумот излаш ва шартнома тузиш харажатларининг камайиши ва натижада мол етказиб берувчи билан истеъмолчи ўртасида воситачиларсиз тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиладиган бизнеснинг янги шаклларининг пайдо бўлиш имкониятларини кўрсатади.

Рақамли иқтисодиётни ўрганишга қаратилган ишлар кўп бўлишига қарамасдан, унинг ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида ўзида нимани ифода этиши тўғрисида умумий концепция йўқ. Бир қатор илмий ишларда унинг рақамли технологияларга асосланган иқтисодиёт сифатида тавсифланувчи турли вариантлардаги таърифлари мавжуд.

Н.Лейннинг фикрича, рақамли иқтисодиёт -бу интернет тармоғидаги компьютер ва коммуникацион технологияларнинг яқинлашуви ҳамда электрон тижоратнинг ривожланишини ва ташкилий тузилмалардаги ўзгаришларни рағбатлантирувчи ахборот ва технологиялар оқимидир.

М.Роузнинг фикрича, рақамли иқтисодиёт - бу ахборот-коммуникацион технологиялар ҳисобига амалга ошириладиган иқтисодий фаолият тармоғидир. Соддароқ қилиб, ушбу тушунчани рақамли технологияларга асосланган иқтисодиёт деб айтиш мумкин.

Т.А. Гасанов фикрича, рақамли иқтисодиёт деганда етакчи илмий ютуқлар ва илғор технологияларга асосланган иқтисодиётдаги институционал категориялар тизими бўлиб, унинг амал қилиши ялпи ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш мақсадида иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб туришга қаратилади. Рақамли иқтисодиёт институционал иқтисодиётнинг трансформациялашуви бўлиб, ушбу жараёнда миллий бойлик ҳажмини кенгайтириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш ва мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлаш мақсадларида миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш учун рақамли технологиялардан ҳар томонлама ва тизимли фойдаланилади.

В.М. Бондаренконинг фикрига кўра, рақамли иқтисодиёт - бу тўртинчи саноат инқилоби технологияларига мос келадиган иқтисодий муносабатлар

моделининг яхлит, тизимли ва комплекс муаммосидир, яъни XXI асрнинг рақамли технологиялари ва бошқа юқори технологиялари рақамли иқтисодиётнинг шаклланиши, ривожланиши ва амалга оширилишида объектив қўйилган мақсадларга эришишни таъминлаши зарур.

Е.П.Бойко рақамли иқтисодиётни рақамли технологияларга асосланган фаолият шакллари мажмуаси, шунингдек рақамли технологияларнинг ишлашини таъминлайдиган инфратузилма сифатида тушунишларини ва бу ўринда рақамли технологиялар деганда рақамли тизимлар асосида ахборотни яратиш, йиғиш, қайта ишлаш ва узатиш технологияларини тушуниш зарурлигини таъкидлайди.

Юқорида кўриб чиқилган ёндашувлар билан бир қаторда, рақамли иқтисодиётни саноат, агросаноат мажмуаси ва қурилишни ривожлантира олувчи илмий қарашлар ҳам мавжуд. Бу борада В.Г. Буданов ва бошқалар рақамли иқтисодиётнинг мазмун ва моҳиятини тушунтириш мақсадида "гибрид олам" тушунчасини киритишган. Уларнинг фикрича, ракамли иқтисодиёт - бу гибрид олам шароитида мавжуд бўладиган иқтисодиётдир.

Республикамизда рақамли иқтисодиёт ва уни ривожлантиришга қаратилган илмий ва услубий нашрлар мавжуд ва бу жараён асосан мамлакатимизда 2018 йилда рақамли иқтисодиёт ва электрон хукуматни шакллантириш ва ривожлантириш тўғрисидаги Президент қарорлари ва фармонлари қабул қилинганидан сўнг жадаллашди.

Иқтисодчи олим С.С.Гулямов рақамли иқтисодиётни жараёнларни таҳлил қилиш натижаларидан фойдаланиш ва маълумотларни қайта ишлаш асосида турли ишлаб чиқаришлар, технологиялар, товарларни саклаш, сотиш ва етказиб бериш самарадорлигини оширишга имкон берадиган ва рақамли кўринишдаги маълумотлар асосий ишлаб чиқариш омили деб саналган хўжалик фаолиятидир деб айтишади.

Профессор Н.Х.Жумаевнинг фикрича, рақамли иқтисодиёт деганда рақамли коммуникациялар, IT ёрдамида олиб бориладиган иқтисодиёт тушунилади. О.М.Умаровнинг фикрича, рақамли иқтисодиёт алоҳида фаолият турини эмас, балки ишбилармонлик, саноат объектлари, хизматларда ахборот технологияларидан фаол фойдаланишни англатади. Ракамли иқтисодиёт - бу ишлаб чиқариш комплекси инсонлар учун қулайликларни таъминлайдиган маҳсулот ва хизматларни яратадиган виртуал муҳит бўлиб, рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда иқтисодий ишлаб чиқариш тизимидир. Шунингдек, рақамли иқтисод расмийлаштирилиши мумкин бўлган барча нарсани қамраб олиши мумкин.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, рақамли иқтисодиёт шунчаки рақамли маҳсулот бўйича иқтисодий фаолиятнинг тармоғи бўлиб қолмасдан,

рақамли жараёнларга интеграциялашган мижозлар эҳтиёжларини қондиришни кенгайтириш учун ахборот тармоқларидан фойдаланган ҳолда бозорларда инновацион ҳамкорликни ривожлантириш, рақамли қарорлар қабул қилиш асосида маҳсулотларни технологик такомиллаштириш, бизнес жараёнлари ва корхонани бошқарувининг ташкилий шаклларини рақамли қайта ташкил этиш ҳисобига фаолият самарадорлигининг ошишига эришиладиган иқтисодиётдир.

Фойдаланилган адабиёттлар

1. ўзбекистан Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги "Рақамли Ўзбекистан — 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6079-сон Фармони.

2. Цифровая экономика: как специалисты понимают этот термин. МОСКВА, 16 июн - РИА Новости, Анна Урманцева. URL: https://ria.ru/ science/20170616/1496663946.

3. Т.А.Гасанов. Цифровая экономика как новое направление экономической теории // Региональные проблемы преобразования экономики. 2017. № 6. С. 4-10.

4. В.М.Бондаренко. Мировоззренческий подход к формированию, развитию и реализации «цифровой экономики». Современные информационные технологии и ИТ-образование. - 2017, Т. 13. - № 1. - С. 237-251.

5. И.Н. Ткаченко. Цифровая экономика: основные тренды и задачи развития // Изв. Сарат. ун-та. Нов. сер. Сер. Экономика. Управление. Право. 2020. Т. 20, вып. 3. С. 244-255.